РЕСПУБЛИКАМИЗДА 2.000.000 ТОННА, ОБЛАСТИМИЗДА 200.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

МАШЪАЛ ХЎЖАЛИК— «ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ ҒАЛАБА РАПОРТИ БЕРДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 199 (2490). | 11 октябрь, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

„ОЛТИН КИТОБ“ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ИЛҒОР МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР

Қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитети қўйидаги механик-ҳайдовчи ўртоқларнинг қисқа муддат ичида пахта теришда катта ютуқларни қўлга киритганликларини қайд қилиб ўтди: Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Турсуной Раимова — 64 тонна, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Димитров номли колхоздан С. Қамбаров —68 тонна, Э. Алимов — 63 тонна, Х. Антов — 64 тонна, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Полярная звезда» колхозидан А. Субонов — 75 тонна, Б. Шораҳмедов — 70 тонна, Ля Чи Сун — 80 тонна, шу бошқармадаги Охунбобоев номли колхозидан А. Султонов— 72 тонна, Т. Дилмонов — 76 тонна, У. Элчибоев — 78 тонна, К. Ҳатамов — 87 тонна, И. Тожиматов — 92 тонна пахта тердилар.

Ўзбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитети ва область ижроия комитети қарор қиладилар: машинада пахта териш юзасидан берилган мавсум нормаларини ортиғи билан бажарган илғор механик-ҳайдовчилардан Турсуной Раимова, Сандали Қамбаров, Эрқул Алимов, Ҳайдам Антов, Абдумалик Субонов, Бўри Шораҳмедов, Ля Чи Сун, Абдураҳмон Султонов, Тошпўлат Дилмонов, Ўлмас Элчибоев, Камолиддин Хатамов ва Икром Тожиматов ўртоқларга ташаккур эълон қилинсин ва уларнинг номлари область «Олтин китоби»га ёзилсин.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети зўр қониқиш билан қайд қиладиларки. Тошкент областининг колхозчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ишлаб чиқариш бошқармалари ходимлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари КПСС XXII съездининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги тарихий қарорларини бажара бориб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 46 йиллиги кунини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар: каноп пояси сотиш давлат планини муддатидан илгари — 7 октябрда бажардилар. Давлатга 230,3 минг тонна юқори сифатли техника хом ашёси сотилди.

Область лубкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда 20 минг тонна каноп пояси сотиш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Тошкент областининг колхозчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, ишлаб чиқариш бошқармалари ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан қизғин табриклайдилар ва улар каноп пояси топшириш юзасидан олинган қўшимча мажбуриятни бажарадилар, давлатга пахта ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарадилар, кузги ғалла экишни ва шудгорлашни ўз вақтида ўтказадилар, чорва моллари қишловига яхши тайёргарлик кўрадилар, ҳамда келгусида барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги, янада катта муваффақиятларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Хўжаликнинг ҳамма тармоғини комплекс ривожлантириш йўлида йилдан-йилга баракали меҳнат қилаётган колхозчиларимиз яна бир катта давон ошдилар. Куни кеча биз пахта тайёрлаш давлат планини ҳам муваффақиятли бажардик. 560 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Жами бўлиб, давлатга 2123 тонна «оқ олтин» сотдик.

Бригадалар, звенолар бу йил ҳар қачонгидан ҳам унумли меҳнат қилиш учун курашдилар ва яхши натижаларни қўлга киритдилар. Колхозимизнинг ўртоқ Э. Тошболтаев бригадасида 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,3 центнердан пахта териб олинди. Шунингдек Абдулла Абдураҳмонов бошлиқ бригада ҳам юқори кўрсаткичларга эришди. Ҳозир бу бригадалар социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширимоқдалар.

Бугун пахта плани бажарилган кунда, колхозчиларимиз «Коммунизм» участкасининг бошлиғи ўртоқ Ли Ен Хваннинг номини айниқса, ҳурмат билан тилга оладилар. У чигит экиш, ғўза ўстириш ишларига моҳирлик билан бошчилик қилди. Колхозчиларнинг куч-ғайратини ҳар туп ғўзани серҳосил бўлиб етилишига сафарбар эта олди.

Кўпмингкилограммчи теримчиларимиздан Ўлмас Абдухалилова, Сарсен Қодирова ўртоқларнинг ҳар бири авжи терим қизғин кунларда 150—200 килограммга етказиб пахта тўқдилар.

Бу йил машина терими соҳасидаги планни ҳам бажаришда механик-ҳайдовчиларимизнинг ғайрати чакки бўлмади. Механик-ҳайдовчилардан Л. Валентин, Сиддиқ Жиянов ўртоқлар ўз агрегатларидан моҳирлик билан фойдаланиб, 55—60 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Деярлик барча ҳосил қабул пунктларига қоп-қанорсиз элтиб берилди.

Колхозчиларимиз бундан кейин ҳам ишни бўшаштирмайдилар. Далада қолган барча ҳосилни сўнгги граммигача йиғиб-териб олиб давлатга топширамиз ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленумини янги ютуқлар билан кутиб оламиз.

ХВАН МАН ГИМ,
Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Политотдел» колхозининг раиси.

ПАК ДЕН ЕН,
Колхоз партия комитетининг секретари.

УЛУҒ ДЎСТЛИК

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети республика партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва кенг жамоатчилиги истак ва таклифларини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда рус адабиёти ва санъати декадасини ўтказишга қарор қилди. Рус адабиёти ва санъати декадаси республика ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим воқеадир. У рус адабиётининг улкан ютуқлари билан меҳнаткашларни яқиндан таништиради, уларни интернационализм руҳида тарбиялашга, Ўзбекистон халқларининг рус халқи билан ва Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар билан дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Республика маданиятини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Партия XXII съезди ва КПСС Программасида СССР халқлари маданиятининг яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши юзасидан белгиланган вазифаларни амалга оширишга, халқларимизнинг интернационал бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети декадани 1963 йил 24 октябрдан 2 ноябргача ўтказишга қарор қилди.

Декадага тайёргарлик ва уни ўтказиш учун ўртоқ Ш. Р. Рашидов раислигида ташкилот комитети тузилди. Декадани ўтказиш бўйича календарь план тасдиқланди.

Область ва шаҳар партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва шаҳар ижроия комитетлари, Маданият министрлиги, республика Министрлар Совети ҳузуридаги кинематография бўйича давлат комитети, Ўзбекистон ёзувчилар, рассомлар, композиторлар ва кинематография ходимлари союзларига рус адабиёти ва санъати декадасини юксак бадиий-ғоявий савияда ўтказиш, республика ижодий ташкилотларига декадани ўтказишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди.

Республика ва область газеталари редакцияларига, республика Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшитириш ва телевидение давлат комитети зиммасига рус адабиёти ва санъати декадасига тайёргарликни ва декада кундалигини кенг ёритиш топширилди.



ХВАН МАН ГИМ,
колхоз раиси.

ПАК ДЕН ЕН
колхоз партия ташкилотининг секретари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЮРОСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва Никита Сергеевич Хрушчевнинг суғориладиган ерлардан рационал фойдаланиш ҳамда бундай ерлардан дон экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш ҳақидаги чақириғига жавобан, Ўзбекистон комсомол ташкилоти республика ёшлари ўртасида дондан мўл ҳосил олиш ҳаракатини кенг авж олдириб юборди. Бу йил ҳар гектардан 45—70 центнер маккажўхори дони олган Любовь Ли, Раҳмон Абдурасулов, Роза Отабоева, Очил Мўминов, Зариф Қурбонов ва шу каби бошқа кўпгина донгдор ёш маккажўхорикорлар 1964 йилда суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан юз центнер дон ҳосили етиштириш учун курашиш ташаббускори бўлиб чиқдилар.

Ёш новаторлар кузги экинларни энг яхши агротехника муддатларида юқори сифатли қилиб экишга, сувдан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланишга, агротехникани юксак поғонага кўтариш ва ишларни комплекс механизациялаш йўли билан дастлабки ҳосилнинг барвақт етилишини таъминлашга ва такрорий экинларни ўз вақтида экишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми маккажўхори, нўхат, буғдой, шолидан мўл ҳосил олиб келаётган ёш миришкорларнинг ватанпарварлик ҳаракатини қувватлаб, келгуси йилда дон экинларидан икки марта ҳосил олиш юзасидан конкрет чораларни амалга оширишни ҳамда шу орқали суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан камида 100 центнер дон олишишни таъминлашни қишлоқ комсомол ташкилотларига тавсия қилди.

Ўзбекистон комсомоллари ва ёшларининг бу ватанпарварлик ҳаракати суғориладиган ерлардан яхшироқ фойдаланиш ва дон етиштиришни кескин кўпайтириш ишида халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 100 центнер дон олиш учун ёшлар ўртасида кенг ҳаракат бошлаб юборган Ўзбекистон комсомол ташкилотининг қимматли ташаббусини маъқуллаб, қарор қилди: Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетларига ва Қозоғистон КП Чимкент область комитетига, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларига, Ўрта Осиё республикаларинг ЛКСМ Марказий Комитетларига ва Қозоғистон ЛКСМ Чимкент область комитетига Ўзбекистон комсомоллари ва ёшларининг суғориладиган ерларда ҳар гектар экиндан юз центнер дон ҳосили олиш йўлидаги ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳамда кенг ёйиш тавсия қилинсин.

Ўрта Осиё Пахтачилик давлат комитетига, Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрликларига мутахассислар ва олимларнинг маслаҳатларига биноан серҳосил навларни танлаб олишда комсомол-ёшлар бригадаларига ёрдам кўрсатиш, маккажўхори, шоли ва бошқа дон экинларидан мўл ҳосил етиштириб келаётган илғорларнинг тажрибасини ўрганиш ва ёйиш вазифаси топширилди.

17 МИЛЛИОН ДОНА ТУХУМ

Областимизда давлатга тухум сотиш йиллик плани 106,6 процент қилиб бажарилди. Давлатга пландаги 15 миллион 675 минг дона ўрнига 16 миллион 709 минг дона тухум сотилди. Давлатга тухум сотиш йиллик планини Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси 129,6 процент, Янгийўл бошқармаси 127,5 процент ва Бекобод бошқармаси 102,3 процент адо этди.

Голиб паррандачиларимиз давлатга тухум сотишни қизғин давом эттирмоқдалар.

2840 ТОННА ГЎШТ

Тошкент область «Главзаготскототкорм» трестига қарашли хўжаликлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 46 йиллик байрами шарафига социалистик мусобақани қизғин бориб, давлатга бўрдоқи гўшти сотиш йиллик планининг ҳамма турларини бажардилар. Ҳаммаси бўлиб давлатга пландаги 2810 тонна ўрнига 2840 тонна семиз гўшт етказиб берилди. Бу топшириқдагидан 30 тонна кўпдир.

Ҳозир давлатга гўшт сотиш қизғин давом этмоқда.

САБЗАВОТЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Областимиз колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари КПСС XXII съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ қила бориб, улуғ Октябрь 46 йиллиги шарафига умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтириб 9 октябрда давлатга сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари сотиш йиллик планини шараф билан бажардилар. Ҳаммаси бўлиб давлатга пландаги 109300 тонна ўрнига 110505,3 тонна сабзавот, 45400 тонна ўрнига 53548 тонна полиз экинлари маҳсулотлари ва 8500 тонна ўрнига 9059,6 тонна мева сотилди.

Эл дастурхонига мўл-кўл сабзавот, мевз ва полиз экинлари маҳсулотлари етказиб беришда Калинин, Бўка ва Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаларининг сабзавотчилари, айниқса, катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бу бошқармаларда йиллик планлар анча ортиғи билан бажарилди.

Областимиз сабзавотчиларининг бу катта ютуғига Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли, Навоий номли, «Қизил Ўзбекистон», «Москва», «XX партсъезд», «Октябрь», Свердлов номли, Куйбишев номли, Калинин номли, Ленин номли, «Коммунизм», «Ленинизм», Охунбобоев, генерал Раҳимов номли колхозлар ва «Назарбек» совхози, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил ту», Фрунзе номли ва Жданов номли колхозлар катта ҳисса қўшдилар.

Областимизда давлатга сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари сотиш қизғин давом эттирилмоқда. Азамат сабзавотчиларимиз мавжуд имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, қўшимча равишда яна 25 минг тонна маҳсулот сотишга қатъий сўз бердилар.

ОҚҚЎРҒОН МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг пахтакорлари бу йил виждонан ишламоқдалар. Уларнинг ёз бўйи қилган самарали меҳнатлари туфайли далаларда мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилди. Ана шу ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун бутун куч ва имкониятлар сафарбар этилган. Ҳозир бошқарма пахтакорлари областимизнинг «оқ олтин» карвонига етакчи бўлиб кетаяптилар.

Бошқарма пахтакорларининг бу пешқадамлиги энг аввало «зангори кема»ларга боғлиқ бўлаяпти. Бепоён далаларда пахта териш агрегатлари юқори унум билан ишлаяпти. Азамат механик-ҳайдовчилар ғайратга-ғайрат қўйиб меҳнат қилмоқда. Шу боисдан бошқарма областимизда энг биринчи бўлиб машина терими планини анча ортиғи билан бажарди. Ҳозиргача эл хирмонига «зангори кема»ларнинг бункерларидан 19 минг 262 тонна пахта тўкилди. Голиб механизаторлар машина теримини қизғин давом эттирмоқдалар, кунига 370—375 тонна пахта машиналар билан териб олиняпти. Шунингдек бошқармада 43 минг 699 тонна «оқ олтин» қоп-қанорсиз ташилиб, бу соҳадаги йиллик план ҳам анча ортиғи билан адо этилди.

ХИРМОНГА барака

10 ОКТЯБРГАЧА

Областимизда пахта тайёрлашнинг борыши

Планга нисбатан процент ҳисобида: 1-устун — бошқармалар. иккинчиси — кунлик ўсиш, учинчиси — мавсум бошидан, тўртинчиси — машина терминнинг бир кунлиги, бешинчиси — жами, олтинчиси — қоп-қанорсиз ташиш.

Оққўрғон	2,34	80,51	1,97	101,91	104,0
Юқори Чирчиқ	1,58	72,14	1,43	49,90	79,4
Ўрта Чирчиқ	1,52	68,01	1,62	65,64	87,1
Янгийўл	1,76	58,88	2,30	46,72	76,45
Бўка	2,06	52,77	2,43	46,60	69,2
Калинин	1,79	51,32	2,05	33,04	66,6
Бекобод	1,96	47,70	2,21	44,13	60,8
Область бўйича:	1,90	61,55	2,08	60,94	78,7

Абдулла АБДУРАҲМОНОВ,
бригадир.



Сиддиқ ЖИЯНОВ,
механик-ҳайдовчи.

„ПОЛИТОТДЕЛ“ КОЛХОЗИНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Ўлмас АБДУХАЛИЛОВА,
кўпмингкилограммчи теримчи.

Петр ПОН,
колхоз бош инженери.

Сарсен ҚОДИРОВА,
теримчи.

Ли Ен ХВА,
«Коммунизм» участкасининг бошлиғи.

Ким ГРИГОРИЙ,
бригадир.

Сотиболди УМАРОВ,
механик-ҳайдовчи.

ПАК Андрей,
колхоз агрономи.

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН МУТТАСИЛ МЎЛ ҲОСИЛ ОЛАЙЛИК

ДОН ЭКИНЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Суғориладиган ерларда дон экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш тўғрисида партия қўйган вазифа Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг диққат марказида турибди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик ходимларининг Краснодардаги кенгашида сўзлаган нутқида берган маслаҳатлари республикамиз деҳқонлари учун жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан чақирилган ва 8 октябрда бўлиб ўтган республика кенгашида ғаллачиликни кескин юксалтириш учун республикамиз деҳқонлари белгилаётган тадбирлар ҳақида гапирилди.

Кенгашда область партия ва совет ташкилотлари, республика министрликлари ва бошқармалари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари, илмий муассасаларнинг ходимлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, республика қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва илғорлари қатнашдилар.

«Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмалари ва республика қишлоқ хўжалик ходимларининг вазифалари» ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Н. Ж. Худойбердиев** доклад қилди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини кескин юксалтиришга асос солиб берган КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг ўн йиллигини яқинда партиямиз, барча совет кишилари нишонлаб ўтдилар, деди ўртоқ Худойбердиев. — Ўтган ўн йил ичида эришилган ютуқлар Ўзбекистон мисолида яққол кўриниб турибди. Бу ютуқлар бизни қувонтирмоқда ва илҳомлантирмоқда. Ана шу ютуқлар социалистик қишлоқ хўжалиги ғоят катта имкониятларга эга эканлигидан, олдимизда улуғвор истиқболлар очилганлигидан такрортакрор далолат бериб турибди.

Бироқ муваффақиятларимиз қанчалик улкан бўлмасин, коммунистик қурилиш вазифалари шу қадар салмоқлики, бу вазифаларни ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалигини бундан буён янада кўпроқ даражада юксалтириш йўлида тобора янги-янги куч-ғайратлар сарфлашимиз зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу вазифаларнинг бениҳоя муҳимлигини назарда тутиб, давлатга паста топшириш соҳасидаги социалистик мажбуриятларимизни бажариш тақдири ҳал бўлаётган мана шу энг долзарб пайтда шу кенгашни чақириб, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўзбекистонда дон етиштиришни кескин кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш тадбирларини муҳокама қилишни ва белгилаб олишни лозим топди.

Докладчи айтадики, республика колхоз ва совхозлари пахта етиштиришни кўпайтиришдан иборат ўзларининг асосий вазифаларини бажариш билан бир қаторда, дон етиштиришни анча кўпайтиришнинг янги резервлари ва имкониятларини муттасил қидириб топмоқлари зарур. Яқин йилларда республикада 400 миллион пуддан кўпроқ дон олиш учун ҳар қайси хўжаликнинг резервларини ва шу резервлардан фойдаланиш йўлларини тўғри белгилаб олиш керак.

Етти йиллик йилларда, дейди ўртоқ Худойбердиев, республикада суғориладиган ерлар майдони 200 минг гектар кенгайтирилди. Суғориладиган ерларнинг 73 процентига чигит, каноп ва тамаки экиб келичмоқда, пахтакор колхоз ва совхозларда эса суғориладиган ерларнинг 75-80 процентига ва бундан ҳам кўпроқ қисмига чигит экилмоқда. Маккажўхори, нўхат, шоли ва бошқа дон экинлари кўпроқ экила бошлади. Кўпгина колхоз ва совхозлар ердан оқилона фойдаланиш асосида хўжаликни комплекс бошқармоқда, пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқда, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига кўплаб дон, гўшт, сут, сабзавот ва мева етиштирмоқда.

Бироқ бизда суғориладиган ерлардан фойдаланишда каттагина камчиликлар бор. Ирригация жиҳатидан тахт қилинган ерларнинг ҳаммасига ҳам экин экиляпти, деб бўлмайди. Бунинг устига, жуда катта маблағ сарфлаб ўзлаштирилган ҳосилдор суғориладиган ерлар кўп қолларда хўжасизлик натижасида қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолмоқда. 1962 йилда суғориладиган ерларнинг каттагина майдонларидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмади

Бу йил колхозларда 12 минг гектар ва совхозларда 7,2 минг гектар ер суғориладиган экинзорлар ҳисобидан чиқиб қолди. Анализ шуни кўрсатмоқдаки, ирригация-мелиорация соҳасидаги тайёргарлик ишларининг сифатсиз бажарилиши натижасида кўпчилик ерлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолмоқда. Бу ғап, аввало, Мирзачўл, Марказий Фарғона ва Қорақалпоғистон АССРда янги ўзлаштирилган ерларга таалуқлидир.

Ҳар қайси колхоз ва совхоздаги ишларнинг аҳволини дарҳол атрофлича текшириб кўриш, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан тўла фойдаланишни таъминловчи тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, хўжасизликка йўл қўяётган кишиларни эса қаттиқ жазолаш керак.

Суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги жиддий камчилик шундан иборатки, деб таъкидлайди докладчи, ана шу ерларнинг бир қисмига кам ҳосилли экинлар экилмоқда. Бу йил колхоз ва совхозларда 23 минг гектар ерда бир йиллик тўлар экилди. Аслини олганда бу — хўжасизликдир, чунки ана шу майдондан ё умуман ҳеч қандай ҳосил олинмаяпти, ёки жуда арзимаган миқдорда маҳсулот олиняпти. Ваҳоланки, ана шу ерларга маккажўхори, оқ жўхори ёки бугдой, сув етарли бўлган жойларда эса шоли экиб, гектар бошига ҳатто 50 центнер ҳосил олганимизда ҳам, қўшимча равишда 7 миллион пуддан кўпроқ донга эга бўлар эдик.

Бизда алмаштириб ва такрорий равишда экиладиган экинларни кенг миқёсларда экиш соҳасидаги имкониятлардан мутлақо етарли фойдаланилмаяпти. Ана шу резервлар ишга солинган жойларда хўжаликлар мўл ҳосил йиғиштириб оляпти Масалан, «Ҳазарбоғ» совхози 1962 йил кузида экилган арпанинг ҳар гектаридан 23 центнер ҳосил олгач, шунинг кетидан худди ана шу майдонда маккажўхори етиштириб, гектар бошига 75 центнер дон олди. Шундай қилиб, ҳар гектаридан жами 98 центнер дон олинди.

Ўртоқ Худойбердиев таъкидлайдики, қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса дон, сабзавот ва емхашак экинлари ҳосилдорлигининг паст бўлаётгани суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги энг жиддий камчиликдир.

Докладчи суғориладиган ерлардан ғоят унумли фойдаланиш тўғрисида гапириб, сувни тўғри, тежамли сарфлашнинг аҳамиятини таъкидлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ҳамда сув хўжалиги министрликлари барча ходимларининг, колхоз ва совхозлар барча раҳбарларининг эътиборини шу масалага яна бир марта жалб қилишни зарур, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонда, дейди ўртоқ Худойбердиев, пахтачиликни ривожлантириш билан бирга, дон хўжалиги — шоли, маккажўхори, дуккакли ва бошқоқли дон экинлари, шунингдек сабзавот, полиз ва картошка етиштиришни муваффақиятли ривожлантиришимиз ҳамда бу тармоқлардан кўплаб даромад олишимиз керак. Хўжаликнинг ҳамма тармоқлари бир-бири билан боғланган бўлиб, шу тармоқлар бир-бирига тўғри қўшиб олиб борилган тақдирдагина колхоз ва совхозлар экономикасини ёппасига юксалтиришга эришиш мумкин.

Колхоз, совхозлар, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ишлаб чиққан ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Президиуми маъқуллаган тадбирлар натижасида дон етиштиришни бу йил кутилаётган 50 миллион пуд ўрнига, 1964 йилда 115 миллион пудга етказиш. 1965 йилда қарийб 162 миллион ва 1970 йилда 350 миллион пуддан кўпроқ дон олиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистонда шоликорликни ривожлантириш учун ғоят катта резервлар бор. Амударё ва Чирчиқдаги қайирлар, Марказий Фарғона, Сурхондарё области шолипоя майдонларини кенгайтириш учун зўр имкониятларга эга. Қорақалпоғистоннинг шимолий районлари яқин йилларда шоли етиштирадиган жуда йирик база бўлиб қолади. Бу ерларда шолипоя майдонлари келажакда 300 минг гектардан ошиб кетади.

1964 йилда умуман республикада шолипоялар майдони 70 минг гектарга етказилди, ялпи ҳосил эса 250 минг тоннадан кўпроқ бўлади, яъни 3 баравардан зиёд ортади.

1965 йилда шолипоя майдонларини янада кенгайтириб, 115 минг гектарга етказиш, шоли етиштиришни эса 460 минг тоннага чиқариш мўлжалланяпти.

1970 йилгача шолипоя майдонлари 376 минг гектарга, ялпи ҳосили эса 1636 минг тоннага, ёки 100 миллион пудга етказилади. Қорақалпоғистонда Тахиатош гидроузелининг этагида 40 дан кўпроқ шоликор совхоз ташкил этилиб, автоном республика Совет Иттифоқида жуда йирик шоликор районга айлантирилади.

Ҳосилдорликни ошириш, уни гектар бошига камида 50 центнерга етказиш, деб таъкидлайди ўртоқ Худойбердиев, шоли етиштиришни кўпайтириш вазифасини бажаришнинг энг муҳим шартидир. Шу мақсадда шоли етиштириш агротехникасини тубдан яхшилашга, шолини машинада ўриб олишни кенг жорий қилишга эришмоқ керак. Шоликорликни юксалтириш соҳасидаги катта программани амалга оширишга бирон кунни бой бермасдан ҳозирдаёқ киришиб, шоли экиладиган майдонларни белгилаб олиш, барча зарур кузги-қишки ишларни ўтказиш керак.

Маккажўхори — дон етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим манбаидир. «Агар 600 минг гектарга маккажўхори экиб, ҳар гектаридан ҳамида 80 центнер, ёки 488 пуд ҳосил етиштирилса, шунинг ўзи Ўзбекистонда 300 миллион пуд дон олиш имконини беради!» — деб, ўртоқ Н. С. Хрушчев жуда ҳақ гапирди.

Ана шу сўзлар маккажўхори етиштиришни тубдан яхшилаш, маккажўхори ҳосилдорлигини ва донни етиштиришни кескин кўпайтириш соҳасидаги бутун иш программамизни белгилаб берди.

Маккажўхори ва оқжўхоридан мўл дон ҳосили олишга эришган ўнлаб хўжаликлар, бригадаларнинг номларини айтиб ўтиш мумкин, деди докладчи. Республикадаги ҳамма колхоз ва совхозлар янги марраларни эгаллаш учун курашда ана шу машъалларга тенглашмоқлари керак.

Колхоз ва совхозлар дон учун маккажўхори ва оқ жўхори экиладиган майдонларни 1964 йилда 136 минг гектарга, 1965 йилда 150 минг гектарга, 1970 йилда эса 300 минг гектарга етказишни мўлжалламоқдалар.

Келгуси йилдаёқ гектар бошига кам деганда 40-50 центнер дон олиш, шундан кейинги йилларда эса ҳосилдорликни 80 центнерга чиқариш учун маккажўхори ва оқ жўхори етиштириш агротехникасини кескин суратда яхшилаш зарур.

Айниқса қурғоқчил районларда ва шўрҳок ғупроқли ерларда оқ жўхори экишни бутун чоралар билан кўпайтиришга ғоят жиддий эътибор бериш лозим.

Суғориладиган ерларда нўхат, нут, мош, соя ва бошқа дуккакли дон экинлари етиштириш катта самара беради. Республикадаги кўпгина колхоз ва совхозлар, илмий тадқиқот муассасаларининг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, дуккакли дон экинлари бошқа экинлар билан оқилона равишда навбатлаштириб экиб борилса, хусусан республиканинг жанубий районларида бир майдоннинг ўзидан йилига икки марта ҳосил олиш мумкин.

Докладчи суғориладиган ерлардаги бошоқли экинларга етарли эътибор берилмаслиги ҳақида бундай экинларнинг ҳосилдорлиги жуда паст бўлиб қолмоқда, дейди. Ҳар гектар ердан 40-50 центнер буғдой ва арпа олиш зарур. Бунинг учун ана шу экинларни етиштириш агротехникасини кескин яхшилаш, гербицидлардан фойдаланиш, ўғит солиш, ҳосилни нобуд қилмасдан ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш талаб қилинади.

Ўртоқ Худойбердиев айтадики, республикада дон етиштиришни кўпайтириш масалаларини ҳал қилаётган пайтда ламмикор ерлар сингари муҳим манба тўғрисида гапирмасдан ёлмаяпти. Ламмикор ерларга дон экинларини кўпроқ экиш — дон етиштиришни кўпайтириш учун жиддий резервдир.

1964 йилда ламмикор ерлардаги дон ва дуккакли дон экинларининг умумий майдони 1136 минг гектарга етказилади.

Докладчи дон экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлган уруғчиликни яхшилаш масалаларига батафсил тўхталиб ўтади.

Ўртоқ Худойбердиев айтадики, ғаллакор колхоз ва совхозларнинг кўпи техника билан ҳали яхши таъмин этилмаган, шунинг натижасида сеялкаларга уруғ солиш, ўримдан кейин донни тозалаш ва ортиш, поҳолни йиғиштириб олиш, дон учун экилган оқжўхори, дуккакли дон экинлари ва маккажўхорини йиғиштириб олиш сингари ишлар мутлақо етарли даражада машиналаштирилмаган шоли эса аслида қўлда етиштириб келинмоқда.

Мавжуд камчиликларни йўқотиш керак. Дон етиштиришни ҳамма ишларни комплекс механизациялаш негизида ташкил этиш учун тўла имконият бор.

Айни бир маҳалда меҳнат унумдорлигининг аҳволини, дон таннархи юқори бўлаётганлиги ва ишлаб чиқариш харажатлари кўпайиб кетаётганлигининг сабабларини чуқур анализ қилиб кўриш зарур. Шуни айтиш керакки, меҳнатга ҳақ тўлашнинг мавжуд тартиби колхозчиларни дон етиштиришни кўпайтиришдан етарли даражада манфаатдор қилмаяпти. Колхозларнинг кўпчилигида бажарилган ишлар учун асосий ҳақ паст тариф ставкаларига мувофиқ тўлаб келинмоқда, меҳнатга берилаётган ҳақ етиштирилган маҳсулотнинг миқдорига боғлиқ қилиб қўйилмаган. Асосий ҳақ миқдорларини ошириш, разрядлар, тариф сеткаларини қайта қараб чиқиш ҳамда ҳамма қолларда қўшимча ҳақ бериш тартибини жорий қилиш зарур. Бу қўшимча ҳақ маҳсулот таннархи бўйича план бажарилган тақдирдагина тўланиши лозим.

Дон етиштиришни кўпайтириш соҳасида олдимизда турган вазифаларнинг мураккаблиги, ламмикор ерларда дон экинларини кўпроқ экиш — дон етиштиришни кўпайтириш учун жиддий резервдир.

Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари, шу жумладан Ўзбекистон ҳам суғориладиган ерларда дон хўжалигини ривожлантирмоқ учун мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланмаётганликларини ўртоқ Н. С. Хрушчев тўғри танқид қилди.

Дон етиштиришни кўпайтирмоқ учун, жумладан, Тошкент областининг ҳам катта имкониятлари бор. Ўртоқ Абдураззоқов Тошкент областининг ғаллакорлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг маслаҳати билан дон экинлари майдонини кенгайтириб, бу йил давлатга дон сотишни қандай қилиб кескин кўпайтиргавликларини гапириб берди.

Областда суғориладиган ерларда дон экинларидан мўл ҳосил олишда яхши ўрнак бўлаётганлар оз эмас.

Бироқ, тўппа-тўғри шуни айтиш керакки, кўпчилик хўжаликларда суғориладиган ерлардан маккажўхори, нўхат, бошоқли дон экинлари, шолидан олиниши мумкин бўлган миқдорда ҳосил етиштирилмаётир. Бунинг асосий сабаби шуки, дон хўжалигига раҳбарлик қилишда катта камчиликлар бор. Дон хўжалигига етарли баҳо берилмаётганлигини, жумладан, шу нарса кўрсатиб турибдики, ғаллакор бригадаларнинг раҳбарлари пахтачилик бригадаларининг раҳбарларига қараганда камроқ малакали кишилардир. Уларни парткомлар тасдиқлаётгани йўқ, аслини олганда, уларни чинакам ўқитиш ва ўргатиш ташкил этилмаган. Дон хўжалигида техникадан ёмон фойдаланилмоқда. Дон экилган ерлар ўғитлар билан жуда ёмон таъминланмоқда.

Мана шу камчиликларнинг ҳаммасини қатъиян тугатиш керак. Тошкент ғаллакорлари ўз имкониятларини ўрганиб чиқиб, суғориладиган ерларда дон экишни анча кенгайтирадилар. Областда ҳосилдорликни ошириш дон етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим шартидир Ҳозир хўжаликларда махсус дончилик бўлимлари, бригадаларнинг ҳосилдорлиги ҳам янада кўпроқ ошади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тавсиясига биноан, суғориладиган ерларда дон ва дуккакли экинларнинг ҳосили йиғиштириб олинганидан кейин, йилига икки марта ҳосил олмоқ учун маккажўхори ёки оқжўхори такрорий экин тариқасида экилади.

Ўртоқ Сатторов ғаллакор совхозларда далаларни кенг равишда ва лозим бўлган вақтларда текислаб берадиган ер текисловчи отрядлар ташкил этиш, ишлаб чиқариш бошқармасида дуккакли дон экинлари бўлимини тузиш, контроль-уруғчилик лабораторияларини техника билан таъминлашни яхшилаш зарурлигини айтди.

Машҳур жўхорикор Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири **Очил Мўминов** минбарга чиқади.

Суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисида Никита Сергеевич Хрушчевнинг Краснодарда сўзлаган нутқида айтилган программани, деди Мўминов, колхозимизнинг аъзолари ғоят қониқиш билан қабул қилдилар.

Нотиқ ўз бригадасининг ишлари ва планларини гапириб берди.

Экин майдонини кенгайтириб, юз гектарга етказишга қарор қилинди. Шу ерларнинг ярмисига баҳорда маккажўхори экилади, қолган ярмисига эса шу йил кузда бугдой экиб қўйилади. Ёзда бугдой ўриб олинганидан кейин бу ерларнинг ўзига оқжўхори экилади, бу эса йил охиригача гектар бошига қўшимча равишда яна эллик центнердан дон беради.

Ўзбекистонда ламмикор ерлар асосий экин бўлган дон етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир, деди ламмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг директори **А. И. Ковалев**. Институтнинг тажриба базаларидан бири бўлган «Ғаллаорол» совхози шароитида кейинги беш йил мобайнида дон экинларининг ҳар гектаридан 13 центнерга яқин ҳосил олинмоқда. Энг кўп ўртача ҳосилдорлик эса 17-18 центнерга етди.

Бизнинг ерларимиз намни яхши шимади ва ўзида яхши сақлайди. Бу ерлар ёғингарчилик вақтида ўз ҳисобига тўпланган намнинг деярли ҳаммасини экинларга бериши мумкин. Бинобарин, агротехника усулларининг ҳаммаси шу намликни ерда сақлаб қолишга ва ундан экин учун мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга қаратилиши лозим.

Ўртоқ Ковалев бор тажрибаларга асосланиб, ламмикор ерларда яхоб сувидан тағин ҳам кўпроқ фойдаланишга, бир ернинг ўзидан бир йилда ҳам дон, ҳам пахта ҳосили олишга қаратилган бир қанча амалий таклифларни айтиб берди.

Чуст ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **М. Иброҳимов** бошқарма хўжаликларида доннинг ҳосилдорлигини ошириш учун нималар қилинаётганлигини гапириб берди. У, ғаллакорлик бригадаларига конкрет раҳбарликни кучайтириш, ўғитлардан омилкорлик билан яхшироқ фойдаланиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Ҳозирги вақтда Чуст ғаллакорлари дон экишни авж олдириб юбордилар Уч минг гектар ерга дон экилади. Буларнинг ярми шартли суғориладиган ерлар ва ярми суғориладиган ерлардан иборат.

Булунғур ишлаб чиқариш бошқармаси, деди шу бошқарманинг бошлиғи **А. Каримов**, Самарқанд областида энг кўп дон етиштириб берадиган райондир. Бошқарма меҳнаткашлари далалар ҳосилдорлигини ошириш соҳасида катта ишлар қилиб, бу йил давлатга дон сотишни икки баравар кўпайтирдилар. 1- «Ғаллаорол», «Булунғур» совхозлари, «Победа», «Москва», «Гулистон» колхозлари ва бошқа шулар каби кўпгина илғор хўжаликлар катта муваффақиятларга эришдилар.

Бошқарма ғаллакорлари жуда катта резервларни ишга солиб, донинг ялпи ҳосилини 1964 йилда 7 миллион пудга, 1965 йилда эса 10 миллион пудга етказиш, яъни бу йил етиштирилганига қараганда икки баравар кўп дон етиштириб беришга қарор қилдилар. Бу қарор экин майдонларини кенгайтириш, шунингдек ҳосилдорликни ошириш йўли билан бажарилади.

Бошқарманинг хўжаликлари илгари суғориладиган ерларга дон экмас эдилар. Эндиликда эса улар экин майдонларининг структурасини қайта кўриб чиқиб, пахта етиштиришга зарар етказмаган ҳолда ўн минг гектарга яқин ерни дон экиш учун ажратиб беришни лозим топдилар. Бундай ерларнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 30-40 центнер дон етиштириш мўлжаллаб қўйилди. Келгусида эса дон экилган майдон ҳам, дон экинларининг ҳосилдорлиги ҳам янада кўпроқ ошади, деди докладчи, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг таклиф ва танқидий мулоҳазалари ва маслаҳатларини зўр миннатдорчилик билан қабул қилиб олдилар ҳамда ундан тўғри амалий хулоса чиқарадилар.

Республикада дон экинларини катта миқёсларда етиштириш томон кескин бурилиш ясаш, дон етиштиришни анча кўпайтириш оширишнинг асосий вазифаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон партия ташкилотидан колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ва идеология ишини кучайтириб юбориш талаб қилинади.

Ўртоқ Худойбердиев ишонч билдириб айтдики, суғориладиган ерларда муттасил бир ярим-икки миллиард пуд дон ҳосили олишдан иборат умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқ учун Ўзбекистон меҳнаткашлари партия ташкилоти раҳбарлигида ўзларининг бутун куч-қувватлари ва ғайратларини сарфлайдилар.

Ўртоқ Худойбердиев доклади юзасидан музокараларни Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов** бошлаб берди.

Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалиги ходимларининг яқинда Краснодарда бўлиб ўтган кенгашида Никита Сергеевич Хрушчев нутқ қилган пайтда ламмикор ерлар сингари муҳим манба тўғрисида гапирмасдан ёлмаяпти. Ламмикор ерларга дон экинларини кўпроқ экиш — дон етиштиришни кўпайтириш учун жиддий резервдир, деди нотиқ. мамлакатимизда дон етиштиришни кўпайтириш йўлида қилиниши лозим бўлган ишларнинг кенг программасини айтиб берди.

Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари, шу жумладан Ўзбекистон ҳам суғориладиган ерларда дон хўжалигини ривожлантирмоқ учун мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланмаётганликларини ўртоқ Н. С. Хрушчев тўғри танқид қилди.

Дон етиштиришни кўпайтирмоқ учун, жумладан, Тошкент областининг ҳам катта имкониятлари бор. Ўртоқ Абдураззоқов Тошкент областининг ғаллакорлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг маслаҳати билан дон экинлари майдонини кенгайтириб, бу йил давлатга дон сотишни қандай қилиб кескин кўпайтиргавликларини гапириб берди.

Областда суғориладиган ерларда дон экинларидан мўл ҳосил олишда яхши ўрнак бўлаётганлар оз эмас.

Бироқ, тўппа-тўғри шуни айтиш керакки, кўпчилик хўжаликларда суғориладиган ерлардан маккажўхори, нўхат, бошоқли дон экинлари, шолидан олиниши мумкин бўлган миқдорда ҳосил етиштирилмаётир. Бунинг асосий сабаби шуки, дон хўжалигига раҳбарлик қилишда катта камчиликлар бор. Дон хўжалигига етарли баҳо берилмаётганлигини, жумладан, шу нарса кўрсатиб турибдики, ғаллакор бригадаларнинг раҳбарлари пахтачилик бригадаларининг раҳбарларига қараганда камроқ малакали кишилардир. Уларни парткомлар тасдиқлаётгани йўқ, аслини олганда, уларни чинакам ўқитиш ва ўргатиш ташкил этилмаган. Дон хўжалигида техникадан ёмон фойдаланилмоқда. Дон экилган ерлар ўғитлар билан жуда ёмон таъминланмоқда.

Мана шу камчиликларнинг ҳаммасини қатъиян тугатиш керак. Тошкент ғаллакорлари ўз имкониятларини ўрганиб чиқиб, суғориладиган ерларда дон экишни анча кенгайтирадилар. Областда ҳосилдорликни ошириш дон етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим шартидир Ҳозир хўжаликларда махсус дончилик бўлимлари, бригадаларнинг ҳосилдорлиги ҳам янада кўпроқ ошади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тавсиясига биноан, суғориладиган ерларда дон ва дуккакли экинларнинг ҳосили йиғиштириб олинганидан кейин, йилига икки марта ҳосил олмоқ учун маккажўхори ёки оқжўхори такрорий экин тариқасида экилади.

Ўртоқ Сатторов ғаллакор совхозларда далаларни кенг равишда ва лозим бўлган вақтларда текислаб берадиган ер текисловчи отрядлар ташкил этиш, ишлаб чиқариш бошқармасида дуккакли дон экинлари бўлимини тузиш, контроль-уруғчилик лабораторияларини техника билан таъминлашни яхшилаш зарурлигини айтди.

Машҳур жўхорикор Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири **Очил Мўминов** минбарга чиқади.

Суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисида Никита Сергеевич Хрушчевнинг Краснодарда сўзлаган нутқида айтилган программани, деди Мўминов, колхозимизнинг аъзолари ғоят қониқиш билан қабул қилдилар.

Нотиқ ўз бригадасининг ишлари ва планларини гапириб берди.

Экин майдонини кенгайтириб, юз гектарга етказишга қарор қилинди. Шу ерларнинг ярмисига баҳорда маккажўхори экилади, қолган ярмисига эса шу йил кузда бугдой экиб қўйилади. Ёзда бугдой ўриб олинганидан кейин бу ерларнинг ўзига оқжўхори экилади, бу эса йил охиригача гектар бошига қўшимча равишда яна эллик центнердан дон беради.

Ўзбекистонда ламмикор ерлар асосий экин бўлган дон етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир, деди ламмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг директори **А. И. Ковалев**. Институтнинг тажриба базаларидан бири бўлган «Ғаллаорол» совхози шароитида кейинги беш йил мобайнида дон экинларининг ҳар гектаридан 13 центнерга яқин ҳосил олинмоқда. Энг кўп ўртача ҳосилдорлик эса 17-18 центнерга етди.

Бизнинг ерларимиз намни яхши шимади ва ўзида яхши сақлайди. Бу ерлар ёғингарчилик вақтида ўз ҳисобига тўпланган намнинг деярли ҳаммасини экинларга бериши мумкин. Бинобарин, агротехника усулларининг ҳаммаси шу намликни ерда сақлаб қолишга ва ундан экин учун мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга қаратилиши лозим.

Ўртоқ Ковалев бор тажрибаларга асосланиб, ламмикор ерларда яхоб сувидан тағин ҳам кўпроқ фойдаланишга, бир ернинг ўзидан бир йилда ҳам дон, ҳам пахта ҳосили олишга қаратилган бир қанча амалий таклифларни айтиб берди.

Чуст ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **М. Иброҳимов** бошқарма хўжаликларида доннинг ҳосилдорлигини ошириш учун нималар қилинаётганлигини гапириб берди. У, ғаллакорлик бригадаларига конкрет раҳбарликни кучайтириш, ўғитлардан омилкорлик билан яхшироқ фойдаланиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Ҳозирги вақтда Чуст ғаллакорлари дон экишни авж олдириб юбордилар Уч минг гектар ерга дон экилади. Буларнинг ярми шартли суғориладиган ерлар ва ярми суғориладиган ерлардан иборат.

Булунғур ишлаб чиқариш бошқармаси, деди шу бошқарманинг бошлиғи **А. Каримов**, Самарқанд областида энг кўп дон етиштириб берадиган райондир. Бошқарма меҳнаткашлари далалар ҳосилдорлигини ошириш соҳасида катта ишлар қилиб, бу йил давлатга дон сотишни икки баравар кўпайтирдилар. 1- «Ғаллаорол», «Булунғур» совхозлари, «Победа», «Москва», «Гулистон» колхозлари ва бошқа шулар каби кўпгина илғор хўжаликлар катта муваффақиятларга эришдилар.

Бошқарма ғаллакорлари жуда катта резервларни ишга солиб, донинг ялпи ҳосилини 1964 йилда 7 миллион пудга, 1965 йилда эса 10 миллион пудга етказиш, яъни бу йил етиштирилганига қараганда икки баравар кўп дон етиштириб беришга қарор қилдилар. Бу қарор экин майдонларини кенгайтириш, шунингдек ҳосилдорликни ошириш йўли билан бажарилади.

Бошқарманинг хўжаликлари илгари суғориладиган ерларга дон экмас эдилар. Эндиликда эса улар экин майдонларининг структурасини қайта кўриб чиқиб, пахта етиштиришга зарар етказмаган ҳолда ўн минг гектарга яқин ерни дон экиш учун ажратиб беришни лозим топдилар. Бундай ерларнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 30-40 центнер дон етиштириш мўлжаллаб қўйилди. Келгусида эса дон экилган майдон ҳам, дон экинларининг ҳосилдорлиги ҳам янада кўпроқ ошади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тавсиясига биноан, суғориладиган ерларда дон ва дуккакли экинларнинг ҳосили йиғиштириб олинганидан кейин, йилига икки марта ҳосил олмоқ учун маккажўхори ёки оқжўхори такрорий экин тариқасида экилади.

Ўртоқ Сатторов ғаллакор совхозларда далаларни кенг равишда ва лозим бўлган вақтларда текислаб берадиган ер текисловчи отрядлар ташкил этиш, ишлаб чиқариш бошқармасида дуккакли дон экинлари бўлимини тузиш, контроль-уруғчилик лабораторияларини техника билан таъминлашни яхшилаш зарурлигини айтди.

Машҳур жўхорикор Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири **Очил Мўминов** минбарга чиқади.

Суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисида Никита Сергеевич Хрушчевнинг Краснодарда сўзлаган нутқида айтилган программани, деди Мўминов, колхозимизнинг аъзолари ғоят қониқиш билан қабул қилдилар.

Нотиқ ўз бригадасининг ишлари ва планларини гапириб берди.

Экин майдонини кенгайтириб, юз гектарга етказишга қарор қилинди. Шу ерларнинг ярмисига баҳорда маккажўхори экилади, қолган ярмисига эса шу йил кузда бугдой экиб қўйилади. Ёзда бугдой ўриб олинганидан кейин бу ерларнинг ўзига оқжўхори экилади, бу эса йил охиригача гектар бошига қўшимча равишда яна эллик центнердан дон беради.

Ўзбекистонда ламмикор ерлар асосий экин бўлган дон етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервидир, деди ламмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг директори **А. И. Ковалев**. Институтнинг тажриба базаларидан бири бўлган «Ғаллаорол» совхози шароитида кейинги беш йил мобайнида дон экинларининг ҳар гектаридан 13 центнерга яқин ҳосил олинмоқда. Энг кўп ўртача ҳосилдорлик эса 17-18 центнерга етди.

Бизнинг ерларимиз намни яхши шимади ва ўзида яхши сақлайди. Бу ерлар ёғингарчилик вақтида ўз ҳисобига тўпланган намнинг деярли ҳаммасини экинларга бериши мумкин. Бинобарин, агротехника усулларининг ҳаммаси шу намликни ерда сақлаб қолишга ва ундан экин учун мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга қаратилиши лозим.

Ўртоқ Ковалев бор тажрибаларга асосланиб, ламмикор ерларда яхоб сувидан тағин ҳам кўпроқ фойдаланишга, бир ернинг ўзидан бир йилда ҳам дон, ҳам пахта ҳосили олишга қаратилган бир қанча амалий таклифларни айтиб берди.

Чуст ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **М. Иброҳимов** бошқарма хўжаликларида доннинг ҳосилдорлигини ошириш учун нималар қилинаётганлигини гапириб берди. У, ғаллакорлик бригадаларига конкрет раҳбарликни кучайтириш, ўғитлардан омилкорлик билан яхшироқ фойдаланиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Ҳозирги вақтда Чуст ғаллакорлари дон экишни авж олдириб юбордилар Уч минг гектар ерга дон экилади. Буларнинг ярми шартли суғориладиган ерлар ва ярми суғориладиган ерлардан иборат.

Булунғур ишлаб чиқариш бошқармаси, деди шу бошқарманинг бошлиғи **А. Каримов**, Самарқанд областида энг кўп дон етиштириб берадиган райондир. Бошқарма меҳнаткашлари далалар ҳосилдорлигини ошириш соҳасида катта ишлар қилиб, бу йил давлатга дон сотишни икки баравар кўпайтирдилар. 1- «Ғаллаорол», «Булунғур» совхозлари, «Победа», «Москва», «Гулистон» колхозлари ва бошқа шулар каби кўпгина илғор хўжаликлар катта муваффақиятларга эришдилар.

Бошқарма ғаллакорлари жуда катта резервларни ишга солиб, донинг ялпи ҳосилини 1964 йилда 7 миллион пудга, 1965 йилда эса 10 миллион пудга етказиш, яъни бу йил етиштирилганига қараганда икки баравар кўп дон етиштириб беришга қарор қилдилар. Бу қарор экин майдонларини кенгайтириш, шунингдек ҳосилдорликни ошириш йўли билан бажарилади.

Бошқарманинг хўжаликлари илгари суғориладиган ерларга дон экмас эдилар. Эндиликда эса улар экин майдонларининг структурасини қайта кўриб чиқиб, пахта етиштиришга зарар етказмаган ҳолда ўн минг гектарга яқин ерни дон экиш учун ажратиб беришни

„КЎК ОЛТИН” — ВАТАНГА!

Мамлакатга 230 минг тоннадан ортиқ қимматли хомашё-каноп пояси етказиб берган ва ўз зиммасига пландан ташқари яна 20 минг тонна ҳосил топшириш мажбуриятини олган областимизнинг азамат лубкорларига шон-шарафлар бўлсин!

БАРАКАЛИ ХИРМОН

Бу йилги куз деҳқоннинг кўнглидагидай келди. Дала экинларининг ҳаммаси роса бўлиб берди. Бошқармамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бутун йил бўйи қўлни-қўлга бериб, тер тўкиб фидокорона меҳнат қилдилар ва ана шу олтин кузни баракали ҳосил билан қарши олдилар. Бепоён майдонларимизда етиштирилган «оқ олтин»нинг ҳаддиҳисоби йўқ. Ҳозир пахта йиғим-терими тобора авж олаяпти. Пахтакорларимизнинг ишику, кўнгилдагидай кетяпти, лубкорларимизникичи? Уларнинг иши ҳам чакки эмас. Улар ҳам «эл-юрт олдида берган сўзимизнинг уддасидан чиқайлик, она-Ватанни баракали «кўк олтин» билан хурсанд қилайлик», деган яхши ният билан меҳнат қилдилар. Шу меҳнатнинг меваси биз кутгандан ҳам зиёда бўлди.

Лубкорларимиз партия XXII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этаборгиб, Октябрь байрами шарафига меҳнат активлигини кучайтирабориб давлатга каноп пояси сотиш юзасидан берилган йиллик планни муддатидан илгари шараф билан бажардилар.

Шу кунларда «кўк олтин» карвонларининг кети узилмаяпти. Ишнинг кўзини биладиган деҳқонлар меҳнат қилаётган пешқадам хўжаликлардаги ишлар бизни айниқса қувонтираяпти. Мана, ўртоқ Д. Сафаров раислик қилаётган Свердлов номли колхозни олиб кўрайлик. Бу колхоз давлат омборига пландаги 9 минг тонна ўрнига 12 минг тонна биринчи сортли каноп пояси жўнатди. Хўжалик лубкорларининг ҳиммати баланд, улар яна кам деганда 2 минг тонна каноп пояси сотишга аҳду-паймон қилишди. Колхозда каноп ҳосилдорлиги планда белгиланганига нисбатан 35 центнерга ошиб кетди.

Бошқармамиздаги Димитров номли, Ленин номли, «Заря коммунизма», Энгельс номли колхозлар ҳам пландагидан ортиқча каноп пояси сотдилар. Ўртоқ М. Тайлоқов раислик қилаётган «Гулистон» колхози ҳосилдорлик жиҳатидан жуда илгарилаб кетди. Бундан бир неча йил муқаддам хўжаликда ҳар гектар ердан атиги 29 центнердан ҳосил олинар эди. Бу йил колхоз лубкорлари 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 110 центнердан каноп пояси ўриб-йиғиб олишга ва областда биринчи бўлиб йиллик планни бажаришга муваффақ бўлдилар.

Бошқармамизда юқори ҳосил усталарининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ўртоқ Цой Ен Сен ана шулар жумласидандир. Свердлов номли колхознинг бу ўртоқ бошчилик қилаётган бригадасида каноп ҳосилдорлиги 25ᴅ центнерга етказилди. «Заря коммунизма», Энгельс номли, Свердлов номли, Ленин номли колхозларнинг Борис Ким, Чжен Тягай, Абдували Букимбоев, Анатолий Магай ўртоқлар бошчилик қилаётган пешқадам бригадаларида етиштирилган ҳосил ҳам бундан кам бўлмади.

Хўш, бизда луб ҳосилдорлиги қандай қилиб оширилаяпти? Муваффақиятларимизнинг боиси шундаки, биз энг аввало деҳқончилик маданиятини юксалтиришга катта эътибор билан қараймиз. Техника кучидан самарали фойдаланаяпмиз. Экинни парвариш қилишда ўнғайлик туғдириш мақсадида карталарни кенгайтирдик, гектарларнинг тўла бўлишига, пайкалларнинг кафтдек, текис бўлишига жиддий эътибор бердик. Бундан ташқари кўчат қалинлиги ҳам доимо бизнинг диққат марказимизда турди. Бошқармадаги хўжаликларнинг кўпчилигида каноп уруғи уч қаторли усул билан экилди. Натижада ҳар гектар ерда бир миллион тупга яқин кўчат бўлишига эришилди.

Колхоз-совхозларимизда меҳнатни ташкил қилишнинг звено принципи яхши йўлга қўйилган. 300 га яқин звено каноп етиштириш билан шуғулланади. Уларнинг ярмидан кўпроғига тажрибали механизаторлар бошчилик қилишяпти. Ҳамма бригадалар хўжалик ҳисобига ишлашга кўчирилган. Яхши ишлаганларга яхши ҳақ тўланади.

Кузнинг ғанимат дамлари ўтиб бораяпти. Бошқармамиз меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жадал йиғиб-териб олиш билан бир қаторда каноп пояси ўрим-йиғимини ҳам тезроқ тугаллашга ошиқишмоқда. Бошқармамиз лубкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқдилар ва давлатга қўшимча равишда 10 минг тонна каноп пояси сотишга сўз бердилар. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, улар бу сўзнинг ҳам уддасидан чиқадилар.

С. ТОИРОВ,
Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари.

МЕҲНАТИМИЗ САМАРАСИ

Аниқ мақсад, яхши ният йўлида қилинган ҳаракат ҳеч вақт беҳиз кетмайди. Азамат лубкорларимиз 772 гектар ерда каноп ҳосил етиштириш учун озмунча тер тўкмадилар. Ҳар бир туп ўсимликнинг сувидан, озиғидан ўз вақтида хабар олиб турилди.

Меҳнатимизнинг самараси эндиликда ҳар биримизни шодлантирмоқда. Ҳозиргача 772 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 127 ўрнига 175 центнердан каноп пояси топширдик. Жами бўлиб мамлакатга 13548 тонна каноп етказиб берилди.

Бири-биридан ўрганиб, бирига бири устоз бўлаётган бригадирларимиз, уларнинг меҳнатсевар аъзолари ишидан миннатдормиз. Масол учун ўртоқ К. Ўрозов бошлиқ бригадани олайлик. Бу бригада аъзолари ҳам луб, ҳам пахта етиштирдилар. Ҳар гектар ердан 150 центнердан каноп пояси топширганлари ҳолда 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» йиғиб олдилар. Пахта учун кураш давом этмоқда. Марра 35 центнер қилиб белгиланган.

Шунингдек ўртоқ Югай Алексей бошлиқ лубкорлар, пахтакорлар планнинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Бу бригадада канопнинг гектаридан олинадиган ҳосил 190 центнерга, пахта 30 центнерга етди. Ли Пин, Пак Григорий ўртоқлар бошлиқ бригадалар эришган ютуқлар ҳам яхши бўлди.

Ҳозир колхозимиз далаларида иш қизғин. Давлатга ҳар гектар ердан кам деганда 4 центнердан уруғлик каноп етказиб бериш учун бел боғлаганмиз.

М. УСМОНОВ,
Оққўрғон бошқармасидаги «Ленинград» колхози партия комитетининг секретари.

Оққўрғон лубкорларининг меҳнати ҳам баракали бўлди. Суратларда: (чапдан) Димитров номли колхоз раиси Мун Сен Нер, «Ленинград» колхозининг бригадирлари Хон Борис, Ли Пин, Қ. Урозов ўртоқлар.

А. Абалян ва В. Салов фотолари.

НАВБАТ—ПАХТА ПЛАНИГА

Айтиш мумкинки, бошқармамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳар йилгидек бу йил ҳам астойдил меҳнат қилдилар. Улар пахта билан бирга асосий экинимиз каноп ҳосилини етиштириш йўлида барча зарур тадбирларни амалга оширдилар.

Ҳар бир колхоз, ҳар бир бригада, ҳар бир звенода иш ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлигини таъминлаш учун кураш борди. Шундай қилиб эрта баҳорданоқ иш унумли бўлди. Барча майдонга экилган каноп уруғликлари ўз вақтида ва бир текис ундириб олингач қатор ораларига ишлов график қаттиқ ва маълум план асосида олиб борилди. Каноп ҳам пахта сингари қўрғон меҳнат талаб қиладиган ўсимлик. Шунинг учун ҳам бошқарма партия комитети колхоз ва совхозларда ишнинг боришига раҳбарлик қилар экан, ҳар бир хўжалик ва ҳар бир бригадада далада меҳнат қилаётганларнинг унумли ишлаши учун ҳамма керакли шароитларни яратиб бериш, илғорларнинг тажрибасини кенг ёйиш, пешқадамларни рағбатлантириб туриш йўлидан бордик. Шу сингари кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. Деярлик барча хўжаликларда каноп ҳосилини етиштирилди. Каноп ўримини ишладиган агрегатларнинг тайёрлигини обдон текширилди. Кундалик график белгиланиб, каноп ўримига жалб қилинадиган ишчи кучлари аниқлаб олинди. Натижада ҳамма ерда иш қизиб кетди. Колхозлар ўрилган поялари қабул пунктларига ҳеч бир тўхтовсиз, пешма-пеш топшира бошладилар.

Кейинги кунларда бошқармамиз лубкорлари айниқса ғайрат қилдилар. Улар ҳамма ерда Улуғ Октябрь байрами қирқ олти йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Натижада 9 октябрда давлатга каноп пояси топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдик.

Бошқармамиз бўйича давлатга 104 минг 600 тонна ўрнига 105 минг 267 тонна каноп пояси етказиб берилиб, план 100,69 процент бажарилди. Ҳисоблаб кўрдик, бу миқдор ўтган йилнинг шу вақтида давлатга топширилган каноп-дан 11782 тонна кўп экан.

Пешқадамлар бу йил ҳам пешқадамлигини кўрсатди. Гап «Политотдел» колхози устида бораяпти. Бу колхоз лубкорлари давлатга 19700 тонна ўрнига 23650 тонна каноп сотиб ҳозирги кунга қадар планни анча ошириб бажардилар. Бошқача қилиб айтганда бу ерда 1030 гектар ернинг ҳар гектаридан 230 центнердан рекорд ҳосил олинди. Колхознинг коммунист Эргаш Қўлдошев бошлиқ бригадаси айниқса юксак маррани эгаллади. Улар 66 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 250 центнердан, шунингдек Тен Петр бригадаси 222 гектар ернинг ҳар гектаридан 246 центнердан кўкпоя топширди.

«Правда» колхозининг лубкорлари ҳам мардоналик билан меҳнат қилиб, пландаги 17 минг 600 тонна ўрнига 19 минг 882 тонна луб совға қилдилар. Бу колхозда ҳам гектаридан 240—250 центнердан ҳосил йиғиб олган бригадаларни учратамиз.

Колхозлардан келтирилган каноп поясини қабул қилиб олиш ва уларни ғарамлаб қўйишда луб заводлари коллективлари астойдил тер тўкишди. Айниқса, Янгибозордаги каноп заводи коллективи эришган кўрсаткичлар барокалидир. Шунингдек ўртоқ Т. Омаров директор бўлган луб заводи ҳам колхозлардан каноп пояси қабул қилиб олиш планини 104,6 процент бажарди.

Каноп поясини шилиш, каноп ўришда ғайрат ва фидокорлик кўрсатган тракторчилар, колхозчилар ҳар бир колхозда кўплаб топилади. Бугунги кунда биз уларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз.

Бошқармамизда давлатга галла сотиш плани ҳам ортиқ билан бажарилди. Хўжаликнинг бошқа соҳаларини юксалтиришда ҳам янгидан янги ютуқлар қўлга киритилаяпти.

Ҳали лубкорларимизнинг далаларида ҳосилнинг чўғи кўп. Шунинг учун улар ўз имкониятларини чамалаб кўриб 7 ноябргача яна 5 минг тонна луб топширишга бел боғлаганлар. Шу билан бирга уруғлик каноп жамғариш юзасидан белгиланган планни бажариш учун ҳам ҳамма чораларни кўрмаяпти.

Каноп планининг бажарилганлиги бошқармамиз меҳнаткашларини сира ҳам мағрурлантириб юборгаслиги керак. Шунинг учун ҳам биз бу соҳада бўшашувчиликка йўл қўймасдан эндиликда асосий эътиборни пахта йиғим-теримига жалб қилмоқдамиз. Ҳа, энди навбат пахта планини бажаришга келди. Кеча «Политотдел» колхозининг пахтакорлари ҳам маррага етдилар. Бошқармамиз пахтакорлари далада бор ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиб-териб олиш ва яқин кунлар ичида пахта тайёрлаш планини ҳам шараф билан бажариш учун кун сайин суратга-суръат қўшимоқдалар.

И. ЛАДУШКИН.
Юқори Чирчиқ бошқармаси партия комитети секретари.

Бу суратларда юқоричирчиқлик илғор лубкорлардан (чапдан) Янгибозордаги луб заводининг директори Тангриқул Секиров, «Ўзбекистон» колхозининг сувчиси Тожибой Шодиев, шу колхознинг пешқадам бригадири Ан Вон Сун (пастда) ўртоқларни кўриб турибсиз.

Мана бу суратни фотомухбиримиз А. Абалян «Политотдел» колхозидан олган. Уруғлик учун белгиланган каноплар ана шу тартибда қуритилади, сўнг махсус машиналарда янчилиб уруғи олинади.

РЕПОРТАЖ

ТОРТИҚ

Тушдан кейин, айниқса, «кўк олтин» ортган машиналарнинг кети узилмай қолди. Кечга томон бу машиналар завод дарвозаси олдида турнақатор бўлиб тизилишганди. Лаборант қизларнинг ҳаракати қизиб кетди. Улар машина келиб тўхташи биланоқ эпчиллик билан кўкпоядан намуна олишади. Махсус приборлар ёрдамида дарҳол унинг сифатини аниқлайдилар. Шундан сўнггина «кўк олтин» тортиб олинади.

Завод директори Тангриқул ака Секиров, партия ташкилотининг секретари Маъруфов ўртоқлар ҳам шу ерда. Ахир, завод кўкпоя қабул қилиб олиш планини бугун бажаради-да, атиги бир неча тонна маҳсулот етишмай турибди. Директор навбат кутиб турган машиналарга, раҳмат азаматлар, дегандек назар ташлар экан, қабул қилиб олувчига рўпара келди.

— Тушдан кейингиси қанча бўлди?

— Эллик тоннага етай деб қолди,— жавоб берди у.

— Уйдай бўлса жуда соз-ку,—дейди директор ён дафтарини чиқариб, ундаги рақамларни ўзича қўшиб, жамлаштириб кўрар экан,— яна бир машина бўлса планни ўринлаймиз.

Директор шу гапларни айтар экан, қайси колхознинг азамати бизни шод этаркан, деб дарвоза томонга кўз югуртирди. Шу пайтда катта тарози устига «Ўзбекистон» колхозининг «кўк олтин» ортган машинаси келиб ўрнашди.

— Олти тонна,— деди тарозибон,— сорти учинчи. Қани олдинга ўтавер.

— Йўқ, шошмай тур,—дейди директор шоферни тўхтатиб,—қани қўлингни бер, табриклайман, раҳмат ука.

Шофер аввалига ҳеч нарсани тушунмай ҳайран бўлади.

— Нега энди мени табриклайсиз, —дейди у,— ҳали колхозимиз планини бажарганича йўқ-ку.

— Колхозингнинг планини бажариши ҳеч шубҳасиз,— дейди Тангриқул ака, —лекин тушунсангчи ахир, ҳозир сен машинангда топширган кўкпоя билан бизнинг заводимиз плани юз бўлди.

— Э-ҳа, гап бундай денг,— деди шофер йигит хурсанд бўлиб. У ҳолда мен сизни, коллективингизни чин кўнгилдан қутлайман.

Кўкпоя ортилган машина орқасидан завод ичкарисига кирамиз. Атрофга назар ташлаймиз. Кўз қамашади кўк олтин толаларининг уюмларидан ҳосил бўлган, ҳар бири 400—500 тонналик скирдаларни кўриб. Уларнинг оралиғидан ўтсангиз, гўё ўзингизни тоғ ўрталигига тушиб қолгандек сезасиз.

Ана нарироқда навбатдаги скирда ҳосил бўлмоқда. Ҳозирғина тарозидан ўтган машина катта транспортер машинаси олдига қўндаланг бўлди. Ишчилар дарҳол ишга тушиб кетдилар. Машинадагилар кўкпояларни қулочкашлаб олишиб, транспортер лентасига ташлайдилар. Тепада бир-бирига ўланиб чиқаётган, сўнг отилиб тушаётган толаларни икки киши шиббалаб, жойлаштириб турибди. Директор уларнинг исмини, фамилиясини айтиб берди: Мушкал Каримқулов, Элибой Қулумбетов, Содиқ Мирбобоев, Абдурахмон Бобожоновлар кўкпоя тайёрлаш илғорлари.

Колхозлардан пояси шилиниб, кўк тола ҳолида келган маҳсулотларни ана шу зайилда кўриб кўзингиз қувонади. Энди цехларни айланиб, бу толаларга қандай ишлов берилиши билан ҳам танишайлик.

Заводнинг энг улкан ивитиш цехи. Забардаст агрегатлар, уларни бошқараётган фидокорларнинг ишига қойил қоласиз. Толалар аввалига сувда обдон ивитилган. Ҳозир бу ерда пардоз бериш бошланибди. Махсус машиналарга солиниган толалар прессланиб, сувн олинади. Сўнг дам ўтмасдан завод ҳовлисидаги кенг майдонгаги илгакларга илиб қўйилади. Бу ерда тола маълум вақтгача турғач қурийди. Цехнинг Миробид Пулатов, Собира Янгирова, Шарифа Шабаева сингари азаматлари ишидан ҳамма хурсанд.

Мана, пардозлаш, саралаш, сортларга ажратиш цехи. Боя биз кўрган илгаклардаги поялар даста-даста қилиб келтириб турилибди. Икки киши уларни айланма агрегатга солиб турибди, бу толалар машинанинг иккинчи бир томонидан силиқланиб, майинлашиб ипакдек юмшаб чиқади.

Нарироқда бу толалар тўплам-тўплам қилинади. Ҳар бир тўплам катта пресс машинаси тагига келтирилади. Машина ҳозиргина уйдек бўлиб кўринган кўкпоя толасини бир зумда пресслаб ихчамлаштиради: катталиги курсидек бўлиб қолади.

Маҳсулот ана шу хилда тайёр қилиниб, килограмми, сорти ёзилган қоғоз ёпиштирилиб, заводнинг маркаси кўрсатилади.

Янгибозордаги луб заводининг қайси бир цехини айланг-сангиз ана шу сингари қизғин меҳнат ва бу меҳнат маҳсулини кўриб қувонасиз. Завод коллективи Улуғ Октябрь байрамининг 46 йиллиги шарафига ўзаро мусобақани кучайтириб тола ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини муддатидан илгари бажарди.

Тўққиз ой давомида давлатга пландан ташқари 42 тонна тола топширилди. Заводнинг Андрей Захарович Татаринцев, Георгий Степанович Калганов, Анна Васильевна Бахирева ўртоқлар бошлиқ ивитиш, саралаш, пресслаш цехларининг иши, айниқса, унумли ва намуналидир.

Завод маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга ўзининг базасида колхозлардан келтириладиган каноп поясини қабул қилиб олади. 8 октябргача заводда 40300 тонна ўрнига 41565 тонна каноп пояси қабул қилиб олинди ва бу соҳада белгиланган планни муддатидан илгари 103,1 процент қилиб бажарди, бу ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 3851 тонна кўп демакдир.

— Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, —дейди директор,— қўшимча равишда яна 7 минг тонна каноп пояси тайёрлаш мажбуриятини олдик. Тола ишлаб чиқариш йиллик планини эса 1 декабргача бажарамиз.

Н. РИХСИЕВ.

221 ЦЕНТНЕР КАНОП ПОЯ

— Ҳар гектар ердан 200 центнердан каноп пояси топширамиз.

Бригадамиз аъзолари ана шу мақсадни дилга жо қилиб каноп экини парваришини сифатли ўтказиш учун курашдилар. Ҳар гектар ерда ўртача бир миллион 300 минг туп атрофида кўчат ўстирилди. Бу майдондаги каноп ўсимлиги тўрт марта культивация қилинди.

Ўримни сира кечикмасдан ўз вақтида бошладик. Тракторчи Тен Лев бошлиқ каноп поясини шилиш агрегати ҳамма вақт кундалик топшириқни ортиғи билан бажарди. Мана бугунга келиб қувонч билан айтишимиз мумкинки, бригадамиз аъзолари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Биз ҳозирги кунга қадар 152 гектар ернинг ҳар гектаридан 221 центнердан каноп пояси йиғиб олдик. Даламизда ҳали ҳосил бор. Уни йиғиштириб олсак кам деганда яна 8 тонна поя сотамиз.

АН ВОН СУН,
«Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ СЕССИЯСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 9 октябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVIII сессиясида кеча кундузги мажлисда бўлган умумий мунозарада Конго бош министри Адула сўзга чиқиб, ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномасини табриклади. Конго бош министри СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг ва АҚШ президенти Ж. Кеннединнинг Бош Ассамблеяда сўзлаган нутқларига ижобий баҳо берди.

Адула Африка мамлакатларидаги давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг Аддис-Абебадаги конференцияси мустамлакачилик қолдиқларини тугатишга доир қабул қилган қарорларининг аҳамиятини ҳам қайд қилиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг кеча кундузги ялпи мажлисининг охирги қисми Жанубий Вьетнамда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги масалага бағишланди. Коста-Рика делегацияси Чили делегацияси билан бирга резолюция лойиҳаси тақдим этди. Нго Динь Дьем ҳукумати билан буддачилар жамоаси ўртасидаги муносабатларнинг «ўз жойида ўрганиш» мақсадида, дейилади лойиҳада, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жанубий Вьетнамга махсус миссия юборсин ва шу миссия ўтказилган текширишларнинг натижалари тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVIII сессиясига доклад тақдим қилсин.

Совет делегацияси Осиё-Африка мамлакатлари группасининг Жанубий Вьетнам аҳолисига қарши террор ва репрессияларни дарҳол тўхтатсин, деган талабини қувватлаб, шу билан бирга террор фактларини текшириш мақсадида 1954 йилда Вьетнамда кузатиш ва контрол ўтказмоқ учун тузилган халқаро комиссиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлур эди деган фикрни билдирди.

Коста-Рика ва Чили делегациялари ўзларининг резолюция лойиҳасини овозга қўйишни талаб этмадилар. Бошқа расмий таклифлар йўқлиги сабабли, Бош Ассамблея раиси Карлос Соса-Родригес (Венесуэла), террор ва репрессия фактларини текширмоқ учун Жанубий Вьетнамга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг миссияси юборилади, деган тартибидаги бу масалани муҳокама қилиш эса, вақтинча тўхтатилади, дейди.



Польша Халқ Республикаси пармалаш йўли билан олинадиган жуда кўп кўмир запасига эга. Суратда: пармалаш йўли билан олинадиган «Турув-П» шахтасининг кўриниши. Бу шахта мамлакат халқ хўжалиги учун 1 миллион тонна ёқилғи етказиб бермоқда.
ЦАФ-ТАСС фотоси.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

◆ *Ҳамза номли Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрининг бир группа артистлари яқинда Паркент маданият уйида ёзувчи Уйғуннинг «Шубҳа» спектаклини пахтакорларга кўрсатдилар. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Сайфи Олимов, Саъди Табибуллаев, Иқрома Болтаева, Зикир Муҳаммаджонов ва бошқаларнинг маҳорати томошабинларни мафтун этди. Шу оқшом маданият уйида ҳозир бўлган 400 га яқин колхозчи санъаткорлар хизматидан мамнун бўлишди.*

М. Назирбеков,
О. Одилов.

◆ *Ленин номли колхоз клуби томошабинлар билан гавжум. Бу ерга ўзбек давлат Эстрада театрининг Эргашхон Мирмаҳмудова раҳбарлигида бир группа санъаткорлари меҳмон бўлиб келишган. Колхозчилар тошкентлик санъаткорлар Эргашхон Мирмаҳмудова, Убайдулла Мадраҳимов, Муҳаммаджон Мирзаев, Меликиз Умарова, Жуманазар Бекжонов ижросидаги ашула, рақс ва музикаларни тинглаб, мароқли дам олдилар.*

К. Бегмонов.

Колхозчи санъаткорлар

◆ *«Полярная звезда» колхозининг меҳнаткашлари ўз санъаткорларининг маҳорати билан фахрланадилар. Колхозда ташкил этилган халқ театри жуда кўп талантларни ўзига бирлаштирган. Халқ театри саҳнага қўйган «Майсаранинг иши» спектаклини колхозчилар зўр қизиқиш билан томоша қиладилар. Театрнинг бадиий раҳбари ва режиссёри Цой Гир Чун ўзбек драматургиясига яна мирожаат қилди. Яқинда коллектив «Нурхон» музикали драмасини саҳналаштиради.*

Колхозчи санъаткорлар ўз маҳоратларини Тошкент ва Сирдарё областидаги 22 та колхозда намойиш қилдилар. Уларнинг спектакль ва концертлари ҳамма ерда мамнунлик билан қарши олинди.

М. СКРИПНИК.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДА

▲ Руминияда Руминия-Совет дўстлиги ойлиги бошланди. Шу муносабат билан 7 октябрда Касаба союзлари марказий советининг Бухарестдаги театрида Руминия пойтахти жамоатчилигининг йиғилиши бўлиб ўтди.

▲ Совет Иттифоқи ёрдами билан Бирлашган Араб Республикасида қурилаётган радиотехника заводига ускуналар етказиб бериш тўғрисида Қоҳирада протокол имзоланди. Янги корхона йилига 100 мингта транзисторли радиоприемник ва 40 мингта телевизор ишлаб чиқаради.

▲ Аргентина пойтахтидаги «Игуасу» ва «Гран-Норте» деган иккита энг яхши кинотеатр экранида бир неча кундан бўён совет кинофильми — «Иваннинг болалиги» кўрсатилмоқда. Ҳамма сеанслар томоша заллари лиқ тўлган ҳолда ўтмоқда. Буэнос-Айрес газеталари совет кинофильмига юксак баҳо бермоқда.

▲ Тунисда Болгария билан Тунис ўртасида тўппа-тўғри ҳаво алоқаси ўрнатиш ҳақида битим имзоланди. Битим самолётларнинг София — Рим—Тунис—Жазоир маршрути бўйлаб ва орқага қайтиб, ҳар ҳафта мунтазам қатнашини кўзда тутади.

▲ Каракасда сенатор Хесус Фарна билан Венесуэла парламентининг бошқа тўрт депутати устидан суд бошланди. Уларни ҳарбий трибунал суд қилади. Венесуэла парламенти аъзолари устидан ўтказилаётган суд мамлакатдаги демократик ва прогрессив кучларга қарши Ветанкур ҳукумати кенг равишда амалга ошираётган репрессиялар компаниясининг бир қисмидир. Суд қилинаётганлар орасида Коммунистик партия билан «Сўллар революцион ҳаракати»нинг аъзолари бор.

▲ Франкочилар Испанияси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳарбий шартноманинг яна беш йилга узайтирилиши «Испания хавф-сизлигига солинаётган таҳдидни чуқурлаштириб юборади», — деб таъкидланади Испания Коммунистик партияси Марказий Комитети ижроия комитетининг Парижда эълон қилинган баёнотида. Испания Коммунистик партияси оппозициянинг барча кучларига, армиядаги ватанпарварларга мурожаат қилиб, уларни ана шу ҳарбий шарт-шартноманинг бекор қилинишига эришишга ҳамда Американинг Испаниядаги атом базаларига қарши курашни давом эттиришга чақирди. (ТАСС).

Сурия-Ироқ бирлашган қуролли кучлари тузилди

БАЙРУТ, 9 октябрь. (ТАСС). Кеча Дамашқ ва Бағдод радиостанциялари Сурия ва Ироқнинг бирлашган қуролли кучлари тузилганлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилдилар. Сурия «Революцион қўмондонлик миллий кенгаши»нинг раиси генерал Амин Хофиз Дамашқ радиоси орқали нутқ сўзлаб, Сурия ва Ироқ «Революцион қўмондонлиги миллий кенгашлари» вакиллари ўртасида бўлган музокаралар натижасида Сурия-Ироқ бирлашган қуролли кучларини тузиш тўғрисида кеча битимга келинди, деб айтди.

Ироқ президенти Ориф ҳам Бағдод радиоси орқали нутқ сўзлаб, тузилган ҳарбий иттифоқ Бирлашган Араб Республикаси учун ва «бошқа барча озод араб мамлакатлари учун» очиқ, деди.

Дамашқ ва Бағдод радиоларининг хабарларидан маълум бўлишича, Сурия-Ироқ бирлашган қуролли кучларига Ироқ мудофаа миннистри генерал Солих Маҳдий Аммаш бош қўмондон қилиб тайинланган. Бу қуролли кучлар бош қўмондонининг қароргоҳи Дамашқда бўлади.

А. А. ГРОМИКО ВАШИНГТОНГА КЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 9 октябрь. (ТАСС). СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Нью-Йоркдан бу ерга келди. 10 октябрда А. А. Громико АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан Оқ уйда учрашади, шунингдек АҚШ давлат секретари Д. Раск билан ҳам суҳбатлашади.

МАКМИЛЛАН БЕТОБ

ЛОНДОН, 9 октябрь. (ТАСС). Бош министр Макмиллан касалхонага ётқизилганлиги ва у, операция қилинмоқчи бўлганлиги бу ерда расмий равишда эълон қилинди.

Консерваторлар партиясининг 9 октябрда Блэкпулда очиладиган йиллик конференциясида нутқ сўзлаши лозим бўлган Макмилланнинг тўсатдан касалхонага ётганлигига Лондонда алоҳида эътибор бермоқдалар.

Лондоннинг журналистлар доираларида мўътабар манбаларга асосланиб, шуни таъкидламоқдаларки, Макмилланнинг шахсий обрўси ва консерваторлар ҳукуматининг обрўси жуда тушиб кетган шароитда Макмиллан бош министрлик мансабида қолиши мумкинми, деган масалани ҳал қилишда бу конференция катта роль ўйнаши лозим.

ХАТЛАР ҲАФТАЛИГИ

7 октябрдан Иттифоқимизнинг барча шаҳар, район ва қишлоқларида хатлар ҳафталиги бошланди. Ҳафталик 13 октябргача давом этади. 1957 йилдан бери ўтказилаётган бу анъана алоқа ходимларининг аҳоли орасида қилаётган ишларининг кўригига айланиб бормоқда. Ҳозир биргина Тошкент шаҳрида 900 дан ортиқ почтачилар аҳолига ҳар куни уч марта ички почта жўнатмалари билан бирга ер юзининг қатор шаҳарларидан келиб турадиган хатларни тарқатмоқдалар. Бу борада 25—30 йилдан бери шу касбда ишлаб келаётган 34-алоқа бўлимидан Сафар Ажигалиев, 2-алоқа бўлимининг почтачиси Абдураҳим Орипов ва бошқалар айниқса намунали хизмат қилмоқдалар.

Аҳолига алоқа хизматини янада яхшилаш мақсадида янги алоқа бўлимлари ташкил қилинаётир. Пойтахтимиздаги алоқа бўлимларининг сони 104 тага етказилди. Йил охиригача яна тўртта алоқа бўлими ташкил этилади.

Ҳозир Хатлар ҳафталигига бағишланиб махсус конверт ва почта маркалари чиқарилди. Улар барча алоқа бўлимлари ҳамда почтачилар орқали аҳолига сотилмоқда.

Ҳафталик давом этаётган шу кунларда хат ва газеталарни эгаларига етказиб бериш ишлари қандай йўлга қўйилганлигини аниқлаш мақсадида текширишлар ва кекса почта ходимлари билан аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказиб турилибди.

Ҳурматли дўстлар! Хатлар ҳафталиги кунларида қариндош ва таниш-билишларингизга, ёру-биродарларингизга хат ёзиб юборишни эсдан чиқарманг.

А. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент почтамти бошлиғининг ўринбосари.



Сиз кўриб турган бу бино Тошкент аэропортида яқинда қад кўтарган 600 ўринли янги меҳмонхонадир. Меҳмонхонада йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Чунончи, юқори қаватларга кўтарилиш учун махсус лифт ўрнатилган, бафуржа ўтириб овқатланиш учун кафе ва ресторанлар ишлаб турибди.

М. Нуриддинов фотоси.

Янги экспонат

Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Қурилиш» павильонига «Д-560» марка-ли кўп секцияли машина қўйилган.

Машинанинг унумдорлиги баланд. У соатига бир йўла 3 метр кенгликдаги 200 кубометр ҳажмда қурилиш материалларини сифатли шиббалай олади. Машинанинг соатига 12 километр йўл боса олиши унинг бир объектдан иккинчи қурилиш объектига тез кўчиришига имкони туғдиради.

Машина нусҳаси Рибинскдаги «Дормашина» заводида ишлаб чиқарилди. 1964 йилдан бошлаб у серияли ишлаб чиқаришга тақдим этилади.

М. СУЛТОНОВ
Москва шаҳри.

ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАР—ҲАР БИР ОИЛАДА БЎЛСИН

1 октябрдан бошлаб областимизнинг ҳамма ерида 1964 йил учун марказий газета ва журналларга обуна килиш бошланди.

Ўтган йили жамоатчи матбуот тарқатувчилар, алоқачилар, партия ташкилотлари матбуотни пропаганда қилиш юзасидан яхши ишладилар. Ҳозир область бўйича 398 мингдан ортиқ обуначига газета ва журнал тарқатилмоқда. Бундан ташқари 87 мингдан зиёд газета ва журнал «Союзпечать» киоскалари ҳамда почта бўлимлари орқали ҳам сотилаётир. Янгиобод ва Чирчиқ шаҳарларида матбуот айниқса, кенг тарқатилмоқда. Янгиободда ҳар минг кишига 768 нусха, Чирчиқда 623 нусха, Олмаликда 641 ва Оҳангаронда 526 нусха газета-журнал тўғри келмоқда.

1963 йилда газета ва журналлар каталоглари кўпгина янги нашрлар билан бойитилди. Булар ҳафталик «Советское кино», «Литературная Россия» газеталари, «Служба бита», «Зернобобовие культури» журналлари ва ўзбек ҳамда рус тилларида чиқадиган «Ўзбекистон колхоз-совхоз ишлаб чиқариши» журналидир. Оққўрғон, Бўка ва Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаларида газеталар чиқа бошлади. Янги йилдан Бекобод бошқармаси колхоз ва совхоз далаларининг меҳнаткашлари ҳам ўз газеталарига эга бўладилар.

1964 йил каталогида кўпгина янгиликлар бўлади. «Народний университет культури» брошюра-лекциялар серияснга иккита янги-педагогик ва ҳуқуқ билимлари нашрлари киради. «Экспресс информация» ҳам бир неча янги сериялар чиқарабошлайди. Обуначилар «Дружба народов» журнали иловасида «Совет романининг ярим асри» сериясидан 15 та китобча оладилар. Унга М. Горький, М. Шолохов, А. Толстой, К. Федин, Д. Фурманов, А. Серафимович ҳамда Ҳамид Гуломнинг романлари ва бошқалар киритилган.

Алоқа ходимлари, жамоатчи матбуот тарқатувчилар, партия ташкилотлари янги нашрларни пропаганда қилишга алоҳида эътибор беришлари керак. Айни чоғда партия газеталари ва журналларининг оммага етиб бориши учун ҳамма чораларни кўриш керак. Жамоатчи матбуот тарқатувчилар шуни эсда тутишлари лозимки, кўпчилик марказий ҳамда барча республика нашрларига, область газеталарига ва ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг газеталарига обуна бўлиш чекланмагандир.

Ишлаб чиқариш техника журналлари ва қишлоқ хўжалиги масалаларига оид журналлар пропагандаси яхши йўлга қўйилиши лозим. Бундай нашрларга обуна кўнгилдагидек эмас. Ҳар бир ишчи, инженер, қишлоқ меҳнаткаши ўзига керакли ишлаб чиқариш журналига ёзилган бўлсин.

Партия ва комсомол ташкилоти, жамоатчи матбуот тарқатувчилар мактабларда, техникумларда ва институтларда ишни шундай ташкил қилишлари лозимки, ўқувчилар, студентлар бутун йил давомига обуна бўлишлари керак. Ўтган йили кўпгина ўқув юртлари ва мактабларда газета ва журналларга ярим йилга обуна бўлинган ва натижада студент ҳамда ўқувчилар ёзги каникул вақтларида матбуот билан танишаолмай қолган эдилар.

Матбуотни пропаганда қилаётган вақтда областимизда ҳар хил миллат кишилари яшаётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Обуначилар фақатгина марказий нашрлар, Ўзбекистон газета ва журналларига ёзилибгина қолмай, барча иттифоқчи республикаларда чиқадиган ва каталогга кирган ҳамма газета ва журналларга ёзилишлари мумкин эканлигини кенг тушунтириш лозим.

Газетхонларимизни социалистик мамлакатлар халқлари ҳаёти, уларнинг маданияти ва турмуши билан таништириш мақсадида «Союзпечать» органлари мазкур мамлакатлар газета ва журналларини ҳам тарқатадилар. Бу йил биринчи марта Куба республикаси газета ва журналларига ҳамда Югославия Федератив Социалистик Республикаси матбуотига обуна қабул қилинади. Социалистик мамлакатлар матбуоти аҳолини қардошларимиз ютуқлари билан таништириб боришда, тинчлик ишини мустаҳкамлашда муҳим воситадир.

Кўпгина ўқувчиларда капиталистик мамлакатлар илмий-техника нашрлари катта қизиқиш туғдиради. Олимларимиз, инженерларимиз техник ва ишчиларимиз бу нашрлардан ўз ишлари учун кўпгина янгиликларни топиб оладилар. Социалистик мамлакатлар газета ва журналлари ҳамда капиталистик мамлакатлар илмий-техника нашрларига хоҳлаган алоқа бўлими ёки жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали ёзилиш мумкин.

Матбуот тарқатишда алоқачилар ва партия ташкилотларига жамоатчи активлар катта ёрдам беради. Матбуот тарқатиш ишини пухта билимли, обрўли ўртоқларга топшириш лозим. Уларни бу иш билан яхшилаб таништириб, реклама материаллари ва обуна ҳужжатлари билан таъминлаш талаб қилинади. Кўпгина жамоатчи матбуот тарқатувчилар астойдил ишлаётган. Яқинда энг яхши 3 матбуот тарқатувчи: Е. Коновалов (Чирчиқ шаҳар электрокимё комбинати), А. Алиев (Оҳангарон шаҳар, 9-шахта) ва Денис Шин (Оққўрғон бошқармаси, Димитров номли колхоз) «Правда» нашриётининг фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар. Алоқачилар якка тартибдаги обуна билан бирга ташкилотлардан ҳам газета ва журналларга обуна қабул қиладилар.

Областимиз алоқачилари олдида 1964 йил газета ва журналларига ёзилишни муваффақиятли ўтказишдек масъулиятли вазифа турибди. Бу вазифани бажаришда уларга шаҳар ва ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари яқиндан ёрдам беришлари керак.

Б. БЕКШЕНЕВ,
Область алоқа бошқармаси матбуот тарқатиш бўлимининг старший инструктори.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими — 25885. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 07056. Индекс 64695. Нашр. № 1697.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ОКТЯБРЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00— **Республикамиз пахта далаларидан дараклар ва Телевизион янгиликлар**, 18.25— **Юлдузча телевизион журнали.**

Рус тилида: 19.05— **Республикамиз пахта далаларидан дараклар ва Телевизион янгиликлар**, 19.25— **Спартакиада байроғи остида**, 19.55— **Новости дня** киножурнали ҳам **Ер ва одамлар** номли бадиий фильм.

21.35— **Эртанги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 21.40— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми шарафига. **Пахтачилик илғорлари рапорт берадилар** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш ва концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.45— **Римма Казакова** (Ўзбекистонда бўладиган рус маданияти декадаси олдидан). 20.10— **Фан ва унинг ижодкорлари** (телевизион фильм), 20.35 — **Суэц канали** (ҳужжатли фильм). 20.55— **Эрандан Верди куйлари янграйди** (композитор туғилган кунининг 150 йиллиги муносабати билан).

Ўзбек тилида: 21.45— **Ун учинчига ўтар кечаси** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/X да **Имон**, 12/X да **Мирзо Улуғбек.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «15 оқайиқ» аттракциони. Ўрғатувчи — **Семён Синициий.** Кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Штраф зарба — «ВАТАН» (кеч соат 5, 6.45 минут, 8 ярим ва 10 да), НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Аппасионата — «ВАТАН» (эртаб соат 10, 11.45 минут, кундуз 1 ярим ва 3.15 минутда).

Сентименталь қисса — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Самолётлар гумбури ва ер — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Уйлангим келмайди — «ВОСТОК» (кичик залда (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 8 ва 9-45 минутда)

Аппасионата — «ВАТАН», «РАКЕТА».

Жаннат эшелони — НАВОИЙ номли.

Кўза кўтарган қиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Севги қиссаси — КАФАНОВ номли.

Узун девор орқасида (кеч соат 8 да), **Штраф зарба** (кеч 9-45 минутда) — КАФАНОВ номли.

Солдан қочиш — «УДАРНИК»

Оддий воқеа — «ПАХТАКОР».

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ

11 октябрда

ГУЛСАРА

Спектаклда: СССР халқ артистлари, Давлат мукофоти лауреатлари **Ҳалима Носирова, Мунаввара Турғунбоева**, СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Жамол Низомхўжаев, Ксения Давидова, Сиддиқ Воҳидов**, солист **Эргаш Йўлдошевлар** қатнашади.

Спектакль кеч соат 7 яримда бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

16 октябрдан

1963-64 ЙИЛ

МАВСУМИ ОЧИЛАДИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

12, 13, 15 октябрда

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** иштирокида

КОНЦЕРТЛАР

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Кундуз Миркаримова, Карим Алиев**, солистлардан **Сора Шукурова, Гулчехра Исмоилова, Тўхта Рисметова, Равшан Мўминова, Кувонди Исандаровлар** қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.